



СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ КОРПОРАТИВ МОЛИЯВИЙ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ТАЪСИРИ

PhD, доц. Кудияров Кишибай
Қорақалпоқ давлат университети
ORCID: 0000-0002-7305-3942
Kishibay84@mail.ru

Аннотация. Мазкур мақолада корпоратив солиқ тизимининг корхоналар молиявий қарорларига таъсири кўриб чиқилган. Олиб борилган тадқиқотларда корпоратив солиқнинг компаниялар фойдасини силжишига ва капитал структурасига таъсири таҳлил қилинган. Таҳлил натижасида корпоратив солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: корхона, хусусий капитал, қарз капитали, корпоратив солиқ, солиққа тортиш, солиқ ставкаси.

ВЛИЯНИЕ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ НА ПРИНЯТИЕ КОРПОРАТИВНЫХ ФИНАНСОВЫХ РЕШЕНИЙ

PhD, доц. Кудияров Кишибай
Каракалпакский государственный университет

Аннотация. В данной статье рассмотрено влияние системы корпоративного налогообложения на финансовые решения предприятий. В проведенном исследовании анализируется влияние корпоративного налога на перемещение прибыли и структуру капитала компаний. В результате анализа сформулированы выводы по совершенствованию системы корпоративного налогообложения.

Ключевые слова: предприятие, собственный капитал, долговой капитал, корпоративный налог, налогообложение, ставка налога.

THE IMPACT OF TAXATION ON CORPORATE FINANCIAL DECISION MAKING

PhD, assoc. prof. Kudiyarov Kishibay
Karakalpak state university

Abstract. This article examines the influence of the corporate tax system on the financial decisions of enterprises. The study analyzes the impact of corporate tax on the transfer of profits and the capital structure of companies. As a result of the analysis, conclusions were drawn on improving the corporate tax system.

Keywords: enterprise, equity capital, debt capital, corporate tax, taxation, tax rate.

Кириш.

Барчага маълумки, корхоналар ва трансмиллий корпорацияларнинг молиявий менежерлари компаниянинг бозор қийматини максимал даражада оширишга интилишида, албатта биринчи навбатда ўз компанияларининг солиқ мажбуриятларини оптималлаштиришга ҳаракат қиладилар. Корхонанинг транзакцияларининг ташкилий шакли, тури, амалга ошириш жойи ва муддати билан боғлиқ солиққа тортиш масалалари молиявий қарорлар бошқарув мақсадлари билан эмас, балки солиқ мақсадлари билан боғлиқ бўлиши рискинни оширади. Бу айниқса трансмиллий корпорациялар учун жуда долзарб масалалардан ҳисобланади. Компаниялар бозор қийматини максималлаштириш молиявий менежментнинг асосий тамойили бўлса-да, солиқни режалаштириш стратегиясидан фойдаланиш компаниянинг молиявий ва инвестицион қарорларига бузувчи таъсир кўрсатади. Шу сабабли бир неча турдаги солиқ солиш билан боғлиқ бўлган бузилишларни хусусан, буларга миллий солиқ тизимларининг ҳетероженлиги, корпоратив солиқ тизимидаги қарз ва хусусий капитални солиққа тортишдаги дискриминацияни келтириб мумкин (Princen, 2012). Жаҳондаги мамлакатларнинг солиқ ставкаларида фарқ ёрдамида, яъни фойдани юқори солиқ юрисдикциясидан паст солиқ юрисдикцияларига ўтказиш орқали компаниялар консолидирлашган солиқ харажатларини камайтиришлари мумкин.

Жумладан, банклар, одатда, номоддий активлар ва мураккаб молиявий структурани яратиш ҳамда деривативлар (ҳосилавий молиявий инструментлар) орқали солиқ харажатларини камайтиришда бошқаларга нисбатан (фойдани ўтказиш) устунликларга эга. Солиқни минималлаштириш учун янада радикал ёндашув 1996 йилдаги АҚШ Солиқ кодексига киритилган ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, S параграфига мувофиқ, фойдага корпоратив даражада эмас, балки акционерлар даражасида солиқ солинади (ташкилий хўжалик шаклини танлаш). Ўз солиқ харажатларини минималлаштириш билан бир қаторда компаниялар қарор қабул қилиш жараёнларининг бошқа соҳаларида корпоратив даромадларни солиққа тортиш имкониятларини кўриб чиқишлари мумкин.

Мавжуд назарияларга кўра, компанияларни солиққа тортишни оптималлаштиришда корпоратив солиқ тизимидаги қарзли ва улушли молиялаштириш ўртасидаги солиқ дискриминациясини бартараф қилиш муҳим ҳисобланиб, бу компанияларнинг молиявий барқарорлиги ва капиталлашув даражаси ошишига олиб келиши мумкин. Корпоратив солиққа тортишнинг компаниялар капитал ва мажбуриятлари структурасига таъсирини баҳолаш юзасидан бир қатор эмпирик таҳлиллар амалга оширилган бўлиб, ўз навбатида, корпоратив солиққа тортишни такомиллаштириш бўйича назариялардаги тахминларни тестдан ўтказиш ва тасдиқлашда муҳим илмий манбалар бўлиб хизмат қилади. Жумладан, солиққа тортишнинг корпоратив молиялаштириш танловига таъсирини ўрганишдаги олиб борилган эмпирик таҳлиллар натижасига кўра, корпоратив солиқ тизимида қарзлар бўйича фоизларга чекловлар мавжуд бўлганда қарзли молиялаштириш ҳажмининг камайишига олиб келган (MacKie-Mason, 1990). Корпоратив солиқ компаниялар молиявий ресурсларни жалб қилиш билан боғлиқ қарорларига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

Бошқа томондан, бозор интизомининг юқори даражаси компания рискинни камайтиришга бевосита таъсир кўрсатади. Шунингдек, корпоратив хусусий капиталга солиқ чегирмасини (Allowance for Corporate Equity-ACE) жорий этиш ва корпоратив солиқнинг паст ставкаси молиявий рискларини қабул қилишга тўсқинлик қилади, шу билан бирга, молиявий барқарорлик ва фаровонликни оширади. Интуитив равишда, мазкур қоида солиққа тортишда қарзни камайтириш ва рискни қабул қилиш учун тегишли рағбатларни белгилашдаги омил сифатида фойдаланишни осонлаштиради.

Адабиётлар шарҳи.

Классик корпоратив солиқ солишда, одатда, хусусий капиталга нисбатан қарзли молиялаштириш афзал кўрилади. Бу назарий қараш билан Modigliani-Millerнинг капитал структурасининг аҳамиятсизлиги тўғрисидаги фикри кенгайтиришга имкон яратилган бўлиб, бунда левараж фирманинг бозор қийматига таъсир этмаслиги назарда тутилган (Modigliani, Miller, 1958; Modigliani, Miller, 1963). Корпоратив фойда солиғи бирламчи ноаниқ таклифга асосланганда, бу қарзли молиялаштириш учун наф келтиради, чунки фоиз тўловлари фойдани солиқлардан ҳимоя қилади. Агарда қарз қийматини қоплаш имконияти бўлмаса, бу 100 фоиз қарзли молиялаштиришни англатади. Бироқ Modigliani-Miller теоремаси трансакция харажатларининг юқорилиги, банкротлик, агентлик низолари, нотўғри танлов ва бошқа ҳолатларда ишламайди. Солиқ қиймати ошиб бориши шароитида, компаниянинг оптимал ёки мақсадли қарз нисбатига эга бўлиши ва левараждаги кичик ўзгаришдан ҳимоя қилиниши, ўз навбатида, молиявий қийинчиликларнинг қўшимча харажатларини аниқ компенсация қилади. Бунда оптимал қарз нисбати компанияларнинг рентабеллиги, активлар rischi таснифи ва корпоратив даромад солиғи даражаси билан аниқланади.

Корпоратив солиқ тизимидаги қарзли молиялаштириш ва улушли молиялаштириш ўртасидаги дискриминацияни камайтиришда қарз капитали ва хусусий капитал учун тенг шароитлар яратиш талаб қилинади. Қарзли молиялаштириш бўйича фоизларга солиқ чегирмаларининг бекор қилиниши ёки чеклов ўрнатилиши, капиталини ошишига ва қарзли молиялаштириш ҳажми камайтиришга олиб келади (Абдуллаев, 2020). Schepensнинг фикрича, корпоратив солиқ тизимидаги қарзли молиялаштиришга нисбатан солиқ устунликларининг чеклови компанияларнинг хусусий капитал коэффициентига ижобий таъсир қилади ва хусусий капитал учун солиқ имтиёзлари татбиқ қилиниши ўртача статистик ҳисобда танловдаги банкларнинг хусусий капитал коэффициентини тахминан 13,5%га оширади. Иккинчидан, солиқ режимидаги ўзгаришлар таъсири фаолият қисқариши орқали эмас, компания хусусий капиталининг ўсиши билан боғлиқдир. Учинчидан, капиталлашув даражаси паст бўлган банклар учун рискларни камайтиради (Schepens, 2016). Шунингдек, олиб борилган тадқиқотларда корпоратив солиқ тизимидаги қарзли молиялаштириш бўйича солиқ солишдаги афзалликлар банкларнинг қарз маблағлари жалб қилишларини рағбатлантириш натижасида, молиявий инқирозлар келиб чиқишига таъсир кўрсатиши аниқланган (DeNicolò ва бошқалар, 2012; de Mooij ва Keen, 2016). Хусусан, қарзли молиялаштиришга нисбатан кенг кўламдаги солиқ имтиёзларининг қўлланилиши банк леваражини сезиларли даражада юқори бўлишига олиб келиши ва бу инқирознинг келиб чиқиши билан боғлиқлиги эҳтимоли юқорилигини таъкидлашган (Schepens, 2016). Шу билан бирга, корпоратив солиқ тизимидаги қарз капитали ва хусусий капитал ўртасидаги солиқ дискриминациясининг камайтириши молиявий секторни капиталлашуви даражаси ўсишини таъминлайди. Vremus ва бошқаларнинг таъкидлашича, қарз капитали ва хусусий капитал ўртасидаги оптимал нисбат банкларнинг капитал кўрсаткичлари ва умумий капиталнинг ўсиши билан боғлиқ (Vremus ва бошқалар, 2020).

Солиқ орқали келиб чиқадиган корпоратив қарзга мойиллик, компаниялар учун ҳаддан зиёд қарз маблағлари жалб қилинишига олиб келади ва молиявий стресс вақтида уларнинг барқарорлиги потенциални пасайтиради. Шунингдек, иқтисодчи олимларнинг таъкидлашича, хусусий капиталга нисбатан қарзга мойиллик иқтисодий, айниқса, молиявий секторни беқарорлигига олиб келади (Admati ва бошқалар, 2013; Mooij ва бошқалар, 2013).

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот ишида илмий абстракциялаш, анализ, индукция ва дедукция, эксперт баҳолаш, статистик, қиёсий таҳлил, назарий ва эмпирик адабиётларга илмий ёндашув усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Трансмиллий компаниялар (ТМК) доирасида фойданинг юқори солиқ юрисдикцияларидан паст солиқ юрисдикциялари бўлган мамлакатларга ўтказиш орқали солиқ базасининг эрозияси кун тартибидаги муҳим масалалардан бирига айланган. OECD томонидан фойданинг паст солиқ юрисдикциялари бўлган мамлакатларга ўтказиш оқибатида йўқотилган солиқ тушумларининг миқдори дунё бўйича тахмин \$100 млрд.дан \$240 млрд.гача ёки глобал корпоратив фойда солиғи бўйича йиллик тушумларнинг 4% дан 10%гача баҳоланган (Chronopoulos ва бошқалар, 2018). Илмий адабиётларга асосан солиқларнинг ТМКларнинг фойдасини ўтказишга таъсири 2 та йўл билан амалга оширилади:

1. ТМК хориждаги филиалларининг капитал структурасини ўзгартириш орқали (бунда юқори солиқ юрисдикциялари бўлган мамлакатлардаги хорижий филиалларнинг қарзлар ҳисобига молиялаштириш, паст солиқ ставкалари бўлган мамлакатларда эса ўз капитали ҳисобига молиялаштириш);

2. трансчегаравий ва ички хизматлар учун қўлланиладиган трансферт нархлар билан (товар ва хизматларга юқори солиқлар мавжуд бўлган мамлакатлардаги филиалларга нархларни пасайтириш) боғлиқ.

ТМК ларнинг солиқ тўлаш билан боғлиқ рискни камайтириш учун хорижий компаниялари фойдасининг юқори солиқ юрисдикцияларидан паст солиқ юрисдикциялари бўлган мамлакатларга ўтказишлари аниқланган. Бироқ, дивидендлар бўйича халқаро даражада икки томонлама солиққа тортишнинг мавжудлиги ҳам ТМКларнинг янги бозорларга чиқиш ва фойдани ўтказиш учун мавжуд халқаро имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга тўсқинлик қилиши мумкин.

Албатта, ҳаддан зиёд ортиқча қарзли молиялаштиришни чеклаш ва фоизлар бўйича солиқ чегирмаларининг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида, бир неча мамлакатларда “фоизлар бўйича чегирмаларни чеклаш қоидалари” ёки “капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қоидалар” ишлаб чиқилган. Бу қоидалар солиққа тортиш мақсадлари учун корпоратив қарзлар бўйича тўлаган фоизларнинг қанча қисми чегириб ташланишини белгилаб беради. Солиқ қонунчилигид, солиқ солинадиган фойдани аниқлашда, харажатлар таркибига киритилиши лозим бўлган фоиз суммалари бўйича ҳисобланган ставка миқдорини тўғридан-тўғри чеклаш мумкин. Бунда иккита ёндашув мавжуд. Биринчисида, қонун ҳужжатларида мумкин бўлган максимал фоиз ставкаси белгиланиши назарда тутилади. Иккинчисида эса, солиқ қонунчилигига мувофиқ, ҳар бир операцияга қўлланилган фоиз ставкасини солиштириш мумкин бўлган шартлардан келиб чиқади (Абдуллаев, 2020).

Бундан ташқари, қарз капиталининг хусусий капиталга нисбати маълум бир даражадан ошиб кетганда фоизлар бўйича солиқ чегирмаларига чекловлар мавжуд. Масалан, Японияда умумий қоидага кўра, тегишли қарз миқдорининг корпорация хусусий капиталдаги улуши уч баравардан ортиб кетганда, хорижий шўба корхонасига қарз мажбуриятлари бўйича фоизлар корпорация фойда солиғини ҳисоблашда чегириб ташланмайди (Langedijk ва бошқалар, 2015). Нидерландияда фоизли харажатлар агарда фоизли даромаддан ошиб кетган тақдирда, уларга нисбатан чекловлар назарда тутилган. Мазкур қоида тегишли фоиз харажатларига солиқ чегирмаларининг чеклови орқали қарзли молиялаштиришнинг солиқ афзалликларини камайтиришга қаратилган. Шундай қилиб, капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қоидалар қарз капиталининг хусусий капиталга белгиланган нисбатдан ошиб кетганда,

солиқ базасидан фоизлар бўйича солиқ чегирмаларини чеклайди. Олиб борилган эмпирик таҳлиллар натижаларига кўра, бундай қоидалар қарз капиталини қисқартириш, солиқ солишдаги фарқланиш ва ички қарзлар мажбуриятларини назорат қилиш чоралар учун кўпроқ самарали ҳисобланади (Абдуллаев, 2020).

Кенг маънода, давлатларнинг капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қоидаларга ёндашувидан келиб чиқиб, уч тоифага бўлинади: ҳар қандай капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қоидалар амал қилмайдиган мамлакатлар, махсус қоидалар қўлланилмайдиган мамлакатлар; ўзига хос капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қоидалар мавжуд бўлган мамлакатлар. Масалан, Бельгияда қарз капиталини хусусий капиталга нисбати 5:1; Чехияда қарз капиталини хусусий капиталга нисбати банк ва суғурта ташкилотлари учун 6:1, бошқа ташкилотлар учун 5:1; Россияда қарз капиталини хусусий капиталга нисбати 3:1 юридик шахслар учун, банк ва лизинг компаниялари учун 12,5:1 ўрнатилган). Бундан ташқари, мамлакатларда фоиз чегараси қоидаси (interest ceiling rule), фоиз ва солиқлар чегирилгунга қадар даромад (earnings before interest and tax-EBIT) қоидалари мавжуд. Фоиз чегараси қоидаси активларга асосланган бўлиб, чегириладиган фоизли харажатлар лимити активлардаги солиқ базасига нисбатан маълум фоиз миқдоригача белгиланган. Фоиз ва солиқлар чегирилгунга қадар даромад қоидасига кўра, чегириладиган фоизли харажатлар лимити солиқ солинадиган фоиз ва солиқлар чегирилгунга қадар даромадга нисбатан ўрнатилади. Масалан, Германия ва Италияда соф фоизли харажатлар фақат фоиз ва солиқлар, эскириш ва амортизация суммаси чегирилгунга қадар даромаднинг 30 фоизига тенг миқдорда чегирилади.

Корпоратив хусусий капиталга солиқ чегирмаси (Allowance for Corporate Equity-ACE) ечим сифатида таклиф этилган. ACE капитал структурасига таъсир этиб, дефолт рискин камайтириш орқали тизимли рискни пасайтириши мумкин. Шунингдек, ACEга хос бўлган бир қатор хусусиятларни келтириб ўтиш мумкин:

➤ қарзли ва улушли молиялаштириш ўртасида бетарафликнинг олдини олади ҳамда капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қоидаларни бекор қилади;

➤ маржинал инвестициялар ечимига нисбатан нейтраллигидир, яъни фоизлар ва капиталга нормал миқдордаги даромадни қайтарилиши бўйича чегирманинг мавжудлиги;

➤ иқтисодий амортизация билан солиқ солишдаги амортизация орасидаги фарқлар сабабли, келиб чиқадиган инвестицион номуносибликларни бартараф этади. Жумладан, солиққа тортиш мақсадларида тезлаштирилган амортизация суммасининг оширилиши солиқ ҳисоб-китобларида активларнинг баланс қиймати пасайишига олиб келади ва келгуси йилда капитал учун тўловларни камайтиради (Абдуллаев, 2020).

Идеал ҳолатда бу қоидалар хусусий капитал ва қарзли молиялаштириш ўртасидаги танловда компанияларнинг бефарқ бўлишига олиб келиши лозим. Австрия, Бельгия, Бразилия, Хорватия, Италия каби бир қатор мамлакатларда ACE қоидалари жорий қилинган (1-жадвал).

(1-жадвал)

Корпоратив солиқ тизимида ACE қоидаларини қўлланишининг таҳлили (IMF, 2018)

Мамлакатлар	База	Ставка	Изоҳ
Австрия	Капитал баланс қийматининг ўсган қисми.	Иккиламчи бозордаги давлат облигациялари бўйича ўртача фоизга 0,8 пункт қўшилган.	Шартли даромадлилик 34 % ўрнига 25 %да солиққа тортилади.
Бельгия	2017 йилгача капиталнинг тўлиқ баланс қиймати. 2018	Икки йил аввалги давлат облигациялари бўйича ўртача ойлик фоиз ставкаси. Фоиз	2013 йилдан фойдаланилмаган резервлар

	Йилдан 5 йил ичида қўшимча ўсган капитал базасининг 1/5 қисми улуши.	ставкасининг чегараси 6,5%. Йиллик ўзгаришлар 1% пункт чегарасида. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ставкаси 0,5% пунктдан юқори.	ўтказилмайди, йирик фирмаларнинг дивидендлари тақсмотига солиқ жорий қилинган.
Бразилия	Капитал баланс қиймати; фақат тақсимланадиган фойда учун (ёпиқ компаниялар ва кредит эгалари учун).	Узоқ муддатли кредитларга нисбатан қўлланиладиган фоиз ставкалари.	Корпоратив даромад солиғи базасидан чегирилиб, фоиз сифатида солиқ солинади.
Италия	Капитал баланс қийматининг ўсган қисми. 2000 йилда 120% янги капиталдан. 2001 йилдан 140%. 2002 йилдан яна 100%.	1997-2000 йилларда 7%. 2001-2003 йилларда 6%.	37 фоиз ўрнига 19 фоизда солиққа тортилади.
	Қўшимча капитал (2010 йил учун).	2011-2013 йилларда 3 фоизда; 2014 йилда 4 фоизда; 2015 йилда 4,5 фоизда; 2016 йилда 4,75 фоизда; 2017 йилдан Молия вазирлиги томонидан белгиланган ўртача давлат қарзига риск омиллари қўшилган.	2018 йилдан кейин Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари томонидан ҳар йилда белгиланадиган шартли фоиз ставкасида.
Латвия	2008 йилдан тақсимланмаган фойда.	Номолиявий корхоналарга берилган кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси. 2010 йилда 5,05%. 2011 йилда 4,37%.	
Лихтенштейн	Ўзгартирилган капитал.	Бозор ривожланишига асосланган (ҳозирда 4%).	
Португалия	2014 йилдан кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг қўшимча капитали. Чеклов 2,000,000 евро.	2008-2013 й. 3 фоиз; 2014-2016 й. 5 фоиз. 2017 йилдан 7 фоиз.	
Кипр	Қўшимча капитал: чиқарилган акция, тўлиқ тўланган эмиссион даромад.	10 йиллик давлат облигация даромади, агар юқори бўлса, мамлакатда капитал инвестициясидан олинadиган даромадга 3 пункт қўшилади.	
Туркия	Ўсган нақд пулдаги капитал.	Банк кредитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаларининг 50 фоиз.	Юқори пассив даромадлари фирмалардан ташқари (молиявий активлар, филиаллар).
Мальта	Устав капитали, шу жумладан; эмиссион даромад, фоизсиз қарзлар, тақсимланмаган фойда ва резерв улуши.	20 йиллик ҳукумат облигацияларининг даромади даражасига 5 пункт қўшилган.	Солиққа тортиладиган даромаднинг 90 фоизи миқдорида чеклов.

Хулоса ва таклифлар.

Трансмиллий компаниялар томонидан фойданинг юқори солиқ юрисдикцияларидан паст солиқ юрисдикциялари бўлган мамлакатларга ўтказиш орқали солиқ базасининг камайтиришга эришадилар. Шундай қилиб, трансмиллий компаниялар халқаро солиқ ставкаларидаги фарқидан умумий солиқ харажатларини камайтириш учун фойдаланиши мумкин.

Корпоратив хусусий капиталга солиқ чегирмаси (Allowance for Corporate Equity–ACE) компанияларга капитали бўйича шартли фоиз ставкаларида солиқ чегирмаларини амалга ошириш имкониятини беради. Идеал ҳолатда бу қоидалар хусусий капитал ва қарзли молиялаштириш ўртасидаги танловда компанияларнинг бефарқ бўлишига олиб келиши лозим.

Амалга оширилган таҳлиллар натижаларини умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

солиққа тортиш тизимига нафақат “фискал” бюджет даромадларини ошириш нуқтаи назаридан, шу билан бирга, корхоналарнинг барқарорлигини ошириш ва уларнинг юқори даражадаги рисклар билан боғлиқ фаолиятини тартибга солиш инструменти сифатида қараш лозим;

корхоналар фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштиришда қарзли ва улушли молиялаштириш ўртасидаги солиқ дискриминацияларини камайтиришга ҳамда хусусий капитални рағбатлантирувчи солиқ имтиёзларининг берилиши капиталлашув даражасини ошишига олиб келади;

фойда солиғи ставкаларининг ўзгариши корхоналарнинг молиялаштириш ва операциялари танловига таъсир қилади ҳамда уларнинг капиталлашув даражасига боғлиқ ҳолда улар хулқ-атворида таъсирлари турлича бўлиши мумкин.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Admati, A., P. DeMarzo, M. Hellwig and P. Pfleiderer, (2013). *Fallacies, Irrelevant Facts, and Myths in the Discussion of Capital Regulation: Why Bank Equity is Not Socially Expensive*. Working paper, Stanford University

Bremus Franziska & Schmidt Kirsten & Tonzer Lena (2020). *Interactions between bank levies and corporate taxes: How is bank leverage affected?* *Journal of Banking and Finance*. <https://www.sciencedirect.com/science>.

Chronopoulos Dimitris K. & Sobiech Anna L. & Wilson John O.S., (2018). *Future Issues in Bank Taxation*. <https://www.fca.org.uk/publication>.

De Mooij R. A. & Keen M., (2016). *Debt, taxes, and banks*. *Journal of Money, Credit and Banking*, 48(1), 5-33.

de Mooij, R., Keen M. and Orihara M., (2013). *Taxation, Bank Leverage, and Financial Crises*. Working paper, International Monetary Fund.

DeNicolò G., Gamba A. & Lucchetta M. (2012). *Capital regulation, liquidity requirements and taxation in a dynamic model of banking*. *IMF Working Papers 12/72*. Washington: International Monetary Fund.

IMF, (2018). *A Destination-Based Allowance for Corporate Equity*. Working Paper.

Langedijk Sven & Nicodème Gaëtan & Pagano Andrea & Rossi Alessandro, (2015). *"Debt Bias in Corporate Income Taxation and the Costs of Banking Crises"*, *CEPR Discussion Papers 10616*, C.E.P.R. Discussion Papers.

MacKie-Mason, Jeffrey K, (1990). *"Do Taxes Affect Corporate Financing Decisions?"*, *Journal of Finance*, American Finance Association, vol. 45(5), pages 1471-1493, December.

Modigliani F., Miller M. (1963). *Corporate income Taxes and the cost of capital: A correction*. *The American Economic Review*, v. 53, pp. 433-443.

Modigliani F., Miller M., (1958). *The cost of capital, corporation finance and the theory of investment. The American Economic Review*, v. 48, pp. 261-297.

Savina Princen, (2012). *Determining the impact of taxation on corporate financial decision-making, Reflets et perspectives de la vie économique, De Boeck Université*, vol. 0(3), pages 161-170.

Schepens, Glenn, (2016). "Taxes and bank capital structure," *Journal of Financial Economics, Elsevier*, vol. 120(3), pages 585-600.

Абдуллаев З.А., (2020). *Тижорат банклари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш //Монография.– Т.: «Молия».*